

2) агар ушбу соҳаларда фаолият юритаётган бир нечта маҳаллий корхоналар мавжуд бўлса, ҳукуматлар технологик ва бошқа тўсиқларни аниқлаш ва олиб ташлаши ва янги фирмаларнинг мазкур тармоқ ва соҳаларга кириши учун кўпроқ имкониятлар тақдим этиши керак;

3) агар янги соҳаларда фаолият юритаётган маҳаллий фирмалар бўлмаса, ҳукуматлар биринчи қадамда кўрсатилган мамлакатлардан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ёки танланган саноат ичидаги корхоналар учун янги инкубация дастурларини ташкил этишга ҳаракат қилиши керак;

4) биринчи қадамда саноатни ривожлантириш борасида кўзда тутилган чора-тадбирлар билан бир қаторда, ҳукуматлар ўз-ўзидан пайдо бўлган хусусий корхоналарга эътибор бериши ва янги соҳаларда муваффақиятли хусусий инновацияларнинг кўпайишини қўллаб-қувватлаши лозим бўлади;

5) ривожланмаган инфратузилма ва ноқулай бизнес муҳити мавжуд бўлган мамлакатларда янгидан ташкил этилаётган фирмалар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг танлаб олинган тармоқларга кириб келиши борасида тўсиқларни бартараф этиш мақсадида махсус иқтисодий зоналар ва саноат парклари ташкил этилиши, шунингдек, саноат кластерларини шакллантириш борасида қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим;

6) ҳукуматлар муайян вақт оралиғида танлаб олинган соҳа ва тармоқларда илк фаолиятини бошлаётган корхона ва ташкилотларни солиқ имтиёзлари тақдим этиш орқали қўллаб-қувватлаш, уларга хорижий валюта маблағларидан эркин фойдаланиши, лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришга ҳамшиша тайёр туриши лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азикова С.Г., Бобков Г.А., Сохроков Х.Х. Закономерности формирования, трансформаций и развития АПК. // Управление экономическими системами. 2012. № 39. С. 105.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сонли “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
5. [Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики.](#) –М.: Норма, 2008. С. 50-55.
6. Lora Eduardo. Structural Reforms in Latin America: What Has Been Reformed and How to Measure It (Updated version). // Inter-American Development Bank Working Paper. 2012. № 346.
7. Лукин В.Н. Разработка методов снижения последствий рисков при инвестировании в корпоративные информационные системы. // Автореферат дис... кандидата экономических наук. – Санкт-Петербург, 2009. – 24 с.
8. Hausmann R, Rodrik D, Velasco A. Growth Diagnostics. In: The Washington Consensus Reconsidered: Towards a New Global Governance. Edited by N. Serra and J.E. Stiglitz. Oxford University Press, 2008, pp. 324-354.
9. Hausmann R, Klinger B. Structural Transformation and Patterns of Comparative Advantage in the Product Space. Center for International Development at Harvard University. CID Working Paper, 2006, no. 128; Hidalgo C.A., Klinger B., Barabasi A.L., Hausmann R. The Product Space Conditions the Development of Nations. Science, 2007, vol. 317, iss. 5837, pp. 482-487. doi: 10.1126/science.1144581.
10. <https://armatorlerbirligi.org.tr/wp-content/uploads/2020/10/UNCTAD-RAPOR.pdf>
11. Lin J., Monga C. et al. DPR Debate: Growth Identification and Facilitation: The Role of the State in the Dynamics of Structural Change. Development Policy Review, 2011, vol. 29, iss. 3, pp. 264-290. doi: 10.1111/j.1467-7679.2011.00534.x.
12. Абдувоҳидов А. и др. Инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришларни ташкил этиш масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. № 6. С. 23-33.
13. Тошбоев Б. Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсатини амалга ошириш. // Архив научных исследований. 2022. Т. 2. № 1.
14. Абдувоҳидов А.А., Тошбоев Б.Б. Худудда импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошириш механизми. // Журнал “Инновации в Экономике”. 2021. Т. 4. № 10.



**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ ВА
ОЗИҚ-ОВҚАТ НАРХЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a2

Раҳманов Бекзод Ибрагимович -
Ўзбекистон Миллий университети ўқит.

Аннотация. Мазкур мақолада сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигининг пасайиши сабаблари, бу омиллар натижасида озиқ-овқат нархлари ошиши ва инқирознинг чуқурлашиш эҳтимолликлари ўрганилган. Охирги даврларда рўй берган конфликтнинг дунёни озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири кўриб чиқилган. Йиғилган маълумотлардан фойдаланиб, қиссий таҳлил амалга оширилган, таклиф ва мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, нархлар индекси, барқарор озиқ-овқат тизимлари, озиқ-овқат нархлар индекси, иқтисодий ўсиш, санкция, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, таъминот занжири инқирози, озиқ-овқат инқирози, ижтимоий ҳимоя

НЕОБХОДИМОСТЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ
И АНАЛИЗ ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫХ ЦЕН

*Рахманов Бекзод Ибрагимович -
Национальный Университет Узбекистана преп.*

Аннотация. В данной статье проводилось исследование факторов, которые повлияли на снижение уровня продовольственной безопасности, влияние этих факторов на цены продовольственной продукции и вероятность углубления продовольственного кризиса. Изучено влияние последних конфликтных ситуаций на продовольственную безопасность в мире. На основе собранной информации проведен анализ и сделаны некоторые предложения для повышения уровня продовольственной безопасности.

Ключевые слова: Продовольственная безопасность, индекс цен, устойчивая продовольственная система, экономический рост, санкция, продукция сельского хозяйства, кризис цепочки поставок, продовольственный кризис, социальная защита

THE NEED FOR FOOD SECURITY AND ANALYSIS OF FOOD PRICES

*Rakhmanov Bekzod Ibragimovich -
National University of Uzbekistan teacher*

Annotation. This article explored the factors that influenced the decline in food security, the impact of these factors on food prices and the likelihood of a deepening food crisis. The impact of recent conflict situations on food security in the world has been studied. Based on the collected information, an analysis was carried out and some suggestions were made to improve the level of food safety.

Keywords: Food security, price index, sustainable food system, economic growth, sanction, agricultural products, supply chain crisis, food crisis, social protection

Кириш. Ҳозирги замонда ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига катта эътибор беради. Аммо иқтисодий ўсиш умумлаштирилган кўрсаткич ҳисобланади, аҳолининг эҳтиёжлари эса унинг қатламларидан келиб чиқади. Қуйи қатламга тегишли аҳоли ўз даромадининг катта қисмини озиқ-овқат маҳсулотларига сарфлайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари камайиб кетиши, нархлари ошиши ва унга тегишли бошқа турли салбий ўзгаришлар биринчи ўринда ўзгариш содир бўлган мамлакатда истиқомат қилувчи аҳолининг қуйи қатламига таъсир қилади. Шунинг учун озиқ-овқат хавфсизлиги муҳим ўрин эгаллайди. Аҳолининг очарчиликка дучор бўлиши эса албатта уларнинг яширин иқтисодиётга ўтишига олиб келади, бу эса ўз навбатида мамлакатнинг ривожланишига салбий таъсир қилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш турли хавф-хатарларга дучор бўлиши мумкинлиги янада кенгроқ миқёсда мақсадли қўллаб-қувватлаш сиёсатини талаб этади. Яқинда глобал COVID-19 пандемияси озиқ-овқат тизимларининг барқарорлигини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди[7].

Албатта ташқи омилларга боғлиқ бўлганлиги сабабли озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Бир қатор омиллар ўз таъсирини маълум давр мобайнида кўрсатиб боради, аммо бундай таъсирнинг олдини олиш ёки бу омилларни олдиндан

озиқ-овқат тизимига таъсир қилмайдиган барқарорлаштирилган бошқа тизимга ўтказиб мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳар доим ҳам озиқ-овқат инқирозининг олдини олишнинг иложи йўқ, аммо унинг салбий оқибатлари ва уни аҳоли турмуш даражасига таъсирини камайитириш имконияти мавжуд.

БМТнинг охириги ҳисоботида у озиқ-овқат тизимини такомиллаштириш лозимлигини таъкидаб ўтган. Бу ҳисоботда озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қилган асосий омил сифатида COVID – 19 пандемиясини келтирган бу пандемия кўпчилик мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланганлик даражаси тушиб кетишига сабаб бўлган. Пандемия нафақат озиқ-овқат, балки ялпи маҳсулотнинг суръатлари тушиб кетишига олиб келган. Озиқ-овқат маҳсулотлари таклифининг камайиши афсуски талаб камайишига олиб келмайди, чунки озиқ-овқат маҳсулотларининг нархга эластиклиги у бирламчи эҳтиёжларни қондирувчи маҳсулот бўлганлиги учун ҳам ниҳоятда пастдир. Бундан ташқари баъзи мамлакатларда инқирознинг олдини олиш мақсадида ўз захирасидаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлатишга мажбур бўлинди. Таъминот занжири инқирози ҳам пандемиянинг салбий оқибатларидан ҳисобланиб, у маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ харжатлар ошиб кетишига сабаб бўлди. Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, давлат томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлашга қаратилаётган эътиборнинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш қийиндир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида иқтисодчи олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот ва конференцияларда фикр ва мулоҳазалар айтиб ўтилган. Улар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини турли таърифлари, уни таъминлашнинг зарураги ва йўллари тўғрисида фикр билдирилган.

Абулқосимов Х.П. озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасини нисбатан қуйидагича фикрни билдиради “Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади” [1]

Т.С.Расуловнинг фикрича, «Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисмидир. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятли ижтимоийиқтисодий вазифалар сирасига киради. Бугунги кунда бу масала барча мамлакатлар учун бирдек устувор йўналишлардан ҳисобланади» [2].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маълумотида кўра, “Агар инсон фаол ва соғлом ҳаёт кечириши учун, етарли миқдорда унинг организмига керак бўлган хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатга эришиш имконияти мавжуд бўлса, унинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган ҳисобланади” [3].

Т.В. Ускова озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида қуйидагича таъриф берган: «Минтақанинг озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашда нафақат унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаш даражасини, балки уларнинг аҳоли учун иқтисодий ва жисмоний қулайлигига таъсир қилувчи бир қатор бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш керак [4].

Найданова Э.Б. қуйидагича таъриф берган «Озиқ-овқат хавфсизлиги – давлат томонидан аҳолисининг жорий ва фавқулодда эҳтиёжларни мамлакат ичидаги ишлаб чиқариш ресурслари ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминлаш қобилияти» [5].

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасини В.С. Балабанов ва Е.Н.Борисенко қуйидагича таъриф орқали изоҳлашга интилишган: “Озиқ-овқат хавфсизлиги – ишлаб чиқарилган маҳсулотларни соғлиқ учун безарарлигини таъминлаган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган талабини муайян даврда исътемом ва захираларни яратиш асосида қондирилишини кафолатлашди” [6].

Тадқиқот методикаси. Мавжуд бўлган озиқ-овқат хавфсизлигига оид адабиёт ва мақолаларни ўрганиш, ҳамда расмий интернет саҳи-

фаларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар йиғиш. Олинган маълумотларни қиёсий таҳлилни амалга ошириш, илмий абстракция, манتيкий фикрлаш, каби усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Барқарор озиқ-овқат тизимлари (IPES-Food) халқаро гуруҳининг сўнгги ҳисоботида батафсил баён қилинганидек, глобал озиқ-овқат хавфсизлиги карталардан қурилган уйга ўхшайди: агар битта карта тушиб қолса, бутун бино қулаши мумкин. Глобал озиқ-овқат тизимининг ушбу табиати заифликларни келтириб чиқаради. Бу тизимда ҳамма жараёнлар режага мувофиқ амалга оширилса, самарадорлик ва рентабелликнинг юқори суръатлари таъминланишини кузатиш мумкин. Аммо бундай тизимлар, хавф-хатарларга нисбатан бардошли ва ишончли эмас.

Россия Украина ҳудудига кирганидан сўнг дунёдаги озиқ-овқат нархлари рекорд даражага етди, нархлар биринчи танк чегарани кесиб ўтмасдан ошди, бу нефть нархининг кўтарилиши ва пандемия натижасида таъминот занжирининг узилиши сабабли рўй берди. 2021 йилда 828 миллионга одам сурункали равишда тўйиб овқатланмаган. ФАО уруш тўйиб овқатланмайдиганлар сонини яна 13 миллион кишига оширишини прогноз қилинмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмаган баъзи мамлакатларга озиқ-овқат нархлари ошиши жиддий таъсир кўрсатди. 26 та давлат бўғдой импортининг 50 фоиздан ортигини Украина ва Россиядан олади, Эритрея, Сомали ва Конго Демократик Республикаси учун эса бу кўрсаткич 80-100 фоизни ташкил қилган. Украинага Россия босқинидан сўнг нон нархи Ливанда 70 %, Суданда эса 200 %га ошди. Кам даромадли мамлакатлардаги аҳоли ўз даромадларининг 60 %дан кўпини озиқ-овқатга ишлатади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, озиқ-овқат маҳсулотларида инфляция суръатлари юқори бўлмаса ҳам, аҳолининг маълум қатламлари учун жуда муҳим аҳамияти касб этиши мумкин. Озиқ-овқат нархлари ўзгариши ФАО томонидан чоп этиладиган озиқ-овқат нархлари индекси орқали таҳлил қилиш мумкин (1-жавдвал).

ФАОнинг озиқ-овқат нархлари индекси 5 та гуруҳга мансуб озиқ-овқат маҳсулотларидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бу 5 та товар гуруҳи бўйича ўртача нархлар индекси ҳисобланганда уларнинг 2014-2016 йиллардаги экспортдаги улуши вази сифатида олинганлигини эътиборга олиш лозим. 2020 йилда индекс 98,1 бўлган бўлса, 2021 йилда у 125,7 ни такшиқ қилган, яъни нархлар индекси 28,1 %га ошган. Демак 2021 йилда биринчи мартаба нархлар жуда юқори суръатларда ўсишни кўрсатган.

Озиқ-овқат нархлари индекси [6]

Йил	Ой	Озиқ-овқат нархи индекси	Гўшт нархи индекси	Сут нархи индекси	Дон нархи индекси	Ўсимлик мойлари нархлари индекси	Шакар нархи индекси
2018	Йиллик	95,9	94,9	107,3	100,8	87,8	77,4
2019	Йиллик	95,1	100	102,8	96,6	83,2	78,6
2020	Йиллик	98,1	95,5	101,8	103,1	99,4	79,5
2021	Йиллик	125,7	107,7	119,1	131,2	164,9	109,3
	Июль	124,6	114,1	116,7	126,3	155,5	109,6
	Август	128	113,4	116,2	130,4	165,9	120,5
	Сентябрь	129,2	112,7	118,1	132,8	168,6	121,2
	Октябрь	133,2	112	121,5	137,1	184,8	119,1
	Ноябрь	135,3	112,5	126	141,4	184,6	120,2
	Декабрь	133,7	111	129	140,5	178,5	116,4
2022	Январь	135,6	112,1	132,6	140,6	185,9	112,7
	Февраль	141,1	113,4	141,5	145,3	201,7	110,5
	Март	159,7	119,3	145,8	170,1	251,8	117,9
	Апрель	158,4	121,9	146,7	169,7	237,5	121,5
	Май	157,9	122,4	144,2	173,5	229,2	120,4
	Июнь	154,3	124,6	150,2	166,3	211,8	117,3
	Июль	140,9	124	146,4	147,3	171,1	112,8

Шакарнинг нарх индекси 37,5 %га ва ўсимлик мойлари нарх индекси 65,9 %га ошганини кўриш мумкин. Июлда бу индекснинг суръатлари тушганини кўришимиз мумкин, унга таъсир қилган асосий омиллар:

1. **Гўшт нархлари индекси.** 2022 йил январь ойидан бошлаб ҳар ой мобайнида гўшт нарх индекси ошиб борган, аммо июль ойида биринчи марта гўштнинг нархи 0,6 пунктга тушган бўлиб, у 124,00ни ташкил қилди. Гўштни ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг экспорт салоҳияти ошиши натижасида нархларнинг тушиши кузатилди. Украинада, сўнгги даврда, экспорт ҳажми ошганига қарамай, парранда гриппи чиқиши натижасида вужудга келган таклиф қисқариши ва талаб ошиши нархларга ўз таъсирини кўрсатди.

2. **Сут нархи индекси.** Ўтган йили июль ойида сут маҳсулотлари нархи индекси 116,7 бўлган бўлса, бу йилни июль ойида 146,4 пунктни ташкил қилди. Аммо бир йил давомидаги бу юқори суръатлар билан нархларнинг ошишига қарамай, уни ўтган ой кўрсаткичи билан солиштирсак, нархлар индекси 3,8 пунктга тушганини кўришимиз мумкин. Бундай нархларнинг тушиши сут маҳсулотларининг фаслга таъсирчанлиги билан боғлиқ. Чунки ёзда сут маҳсулотларига талаб одатда тушиб кетади, таклифни камайтириш эса бу маҳсулот учун мукамал ҳисобланади. Шунинг учун турли хил сут етказиб берувчи ташкилотлар чегирмалар қилиш ва нархларини тушуриши орқали товар айланмасини текислашга ҳаракат қилади.

3. **Дон маҳсулотлари нарх индекси.** Бу индекс июль ойида ўтган ойга нисбатан 19 пунктга тушганини кўришимиз мумкин. Қора денгиздан озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш

мақсадида фойдаланилганда Россия тўсифсиз кемаларнинг ҳаракат қилиши тўғрисидаги битим албатта нархлар тушишида муҳим аҳамият касб этди. Бунинг натижасида, индекс 166.3 кўрсаткичидан 147.3 кўрсаткичига атига бир ой давомида тушганини кўришимиз мумкин.

4. **Ўсимлик мойлари нарх индекси.** Биз ўсимлик мойларининг нархлари индексини март ойидан бошлаб тушиб келаётганини кузатишимиз мумкин. Индекс 211,8 пунктдан 171,1 пунктга тушган бўлсада, ўтган йили июль ойига нисбатан 15,6 пунктга юқориликни кўришимиз мумкин. Июль ойидаги нархларнинг тушиши асосий экспортчи ҳисобланувчи Индонезия томонидан таклиф кўпайишини кутилиши натижасидир. Худди шунингдек бу маҳсулотларга талабнинг нисбатан сустлиги ва таклифнинг юқори суръатларда бўлиши ҳам нарх-навога ўз таъсирини кўрсатмай қўймапти.

5. **Шакар нарх индекси.** Унинг нархини тушишига таъсир қилган асосий омиллар, этанол нархининг тушиши ва Бразилия реали/доллар курсини тушиши натижасида шакар ишлаб чиқариш ҳажми Бразилияда ортиб бормоқда. Бундан ташқари 2022 йилда иқтисодий пасайиш кутилаётганлиги шакарга талабни чеклаб турибди.

Озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қилувчи омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омиллар.

2. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришга таъсир қилувчи омиллар.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми албатта мамлакатда қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражасига боғлиқ, чунки асосий озиқ-овқат маҳсулотлари қишлоқ

хўжалигида ишлаб чиқарилади. Аммо, шу нарсани ҳам ҳисобга олиш жоизки, қанчалик давлат ўзини қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасин бу соҳа кўплаб ташқи омилларга боғлиқ. Агар бир йил мобайнида ушбу мамлакатда об-ҳаво яхши бўлмаса, бунинг натижасида қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар ҳажмига ҳам бу жараён ўзини таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунинг учун аввал бўлиб ўтган озиқ-овқат инқирозлари асосан маҳсулотларни етиштираолмаганлик натижасида содир бўлган эди.

Аммо бугунги кунда вужудга келган инқироз озиқ-овқат етишмаслиги туфайли келиб чиқмади. Унинг асосий сабаби озиқ овқат маҳсулотларига муҳтож одамларга ҳамёнбоп нархларда етказиб беришнинг иложиси йўқлигидадир. Бу инқироз таъсирларини юмшатиш мақсадида

амалга ошириладиган чораларни қўллашда албатта ҳукумат унинг фарқли жиҳатларини ҳисобга олиши лозим, яъни муаммони ҳал этиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни рағбатлантириш эмас, балки мавжуд маҳсулотларни етиштириш йўлини топиш кўп муаммоларни ҳал этиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, COVID-19 пандемияси натижасида дунёда таъминот занжири инқирози юзага келди. Натижада маҳсулотларни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга олиб ўтиш қимматлашди, кўшимча харажатлар эса маҳсулотлар таннархида бўлар экан, уларнинг нархи ҳам ошишига олиб келди[9]. Озиқ-овқат маҳсулотларига таъсир қилган асосий омилларни кўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотларига таъсир қилган асосий омиллар

№	Озиқ-овқат инқирози вужудга келишига сабаб бўлган омиллар	Омилнинг таъсири тавсифи
1.	Россиянинг Украина худудига бостириб келгани	Россия ва Украинадан жаҳон бозоридаги буғдойнинг 30 %и экспорт қилинади, яъни уруш натижасида жаҳон бозорида буғдой таклифи 30 % камайишига олиб келади
2.	АҚШ ва Европанинг Россия газига қўллаган санкциялари	Газнинг нархини ошишига олиб келди ва натижада газ ишлатиладиган ҳар бир маҳсулот таннархи ошиб кетди
3.	COVID-19 пандемияси	Пандемия натижасида баъзи мамлакатларда мавжуд буғдой захиралари аҳолини қўллаб- қувватлаш мақсадида ишлатилди, натижада буғдой захиралари камайган. Бундан ташқари пандемия глобал таъминот занжири инқирозига сабаб бўлди.
4.	Глобал таъминот занжири инқирози	Ковид натижасида маҳсулотларни чегарадан олиб ўтиш харажатлари кескин суратлар билан ошиб кетди. Логистика хизматларининг нархини ошиши худди шунингдек маҳсулотлар учун тўланадиган суғурта мукофоти суммаси ҳам ошиб кетишига олиб келди
5.	Об-ҳавонинг ниҳоятда исиб кетиши	Бу йил об-ҳаво натижасида ниҳоятда ёнғинлар кўп бўлган ва натижада кутилган ҳажмда ерлардан ҳосил олинмаслиги аниқ (таклифнинг янада камайишига таъсир қилади)

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Агар нархлар индексига қайтсак, кўришимиз мумкинлики февральда 140 атрофида бўлган кўрсаткич март ойида 160га етди бу эса албатта фақат уруш натижаси бўлиши мумкин. Уруш бўлмаган тақдирда ҳам инқироз келиб чиқарди, аммо унинг таъсири камроқ бўлар эди, чунки юқорида таъкидланганидек, Россиянинг бостириб кириши таклифнинг камайиб кетишига таъсир қилган асосий омил ҳисобланади.

Россия ва Украинадан жаҳон бозорларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ўғитлар қайтарилмаса, 2023 йилда озиқ-овқат инқирозининг дунёга таъсири унутилмас даражада кучли бўлиб ўтади. Бу ҳақда 8.06.2022 кунини бўлиб ўтган матбуот анжуманида БМТнинг савдо ва экспортни ривожлантириш бўйича конференцияси раҳбари Ребека Греэнспан маълум қилди.

Россия ва Украина жаҳонга буғдой етиштириб бера олмаслиги маълум бўлганидан кейин уларнинг ўрнини Ҳиндистон эгаллашга ҳаракат қилди. Агар Ҳиндистон ҳақиқатан ҳам буғдой экспортини оширсин, бу албатта озиқ-овқат инқирозининг таъсирини жуда юқори даражада камайишига олиб келар эди. Аммо, афсуски Ҳиндистон буғдойнинг етарли даражада етиштира олмаслигини англади ва бунинг эълон қилиб сабабларини тушунтирди. Ҳиндистон расмий маълумотларига кўра об-ҳавонинг экстремал даражада юқори бўлганлиги натижасида етарли даражада ҳосил олмаганлигини ва ҳатто ўз аҳолисига етказиб бера олмай қолиши мумкинлигини таъкидлади.



1-расм. Етарли озиқ-овқат истеъмол қилмайдиган аҳоли сони динамикаси

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бу графикдан кўришиб турибдики, 2005 йиллардан бошлаб дунёда оч қолган кишилар сони камайиш тенденциясига эга бўлди. Камайиш тенденцияси 2010-2015 йилларгача сақланган. Агар 2010 йилдан бошлаб тенденция секинлашган бўлса, 2015 йилдан бошлаб оч қолганлар сони яна оша бошлаганини кўришимиз мумкин. Очарчилик бу даражада кўпайиб боришининг асосий сабаблари об-ҳавонинг экстремал даражада исиб кетиши, COVID-19 пандемияси ва мамлакатлар ўртасида вужудга келган конфликтлар.

COVID-19 пандемияси аҳолини яшаш шaroитига ўз таъсирини кўрсатди. Кўплаб корхоналарнинг ёпилиши ишсизлик сони ошишига олиб келди ва айниқса унинг таъсири норасмий даромад топиб келаётган аҳолининг қатламига кучли таъсир қилди.

Об-ҳавонинг таъсири эса нафақат касалликлар сони ошишига олиб келди, балки етиштирилмайдиган маҳсулотларнинг ҳажмига таъсир қилиб, бу маҳсулотларнинг бозордаги таклифи ва нархига таъсирини кўрсатди.

Россия ва Украина ўртасидаги низолар натижасида очарчилик даражаси кўпайгани ҳеч ким учун сир эмас, чунки уруш бор жойда албатта очарчилик ҳам келиб чиқади. Аммо, бу вазият фақат Украина халқини эмас, балки бутун дунёга ҳам таъсир қилди. Сабаби шундаки, Украина ва Россияда дунё бугунги экспортнинг 30 %и етказиб берилар эди ва бундай таклифдаги ўзгариш, яъни унинг 30 % га қисқариши жаҳон бозорига ва оқибатда алоҳида мамлакатлар аҳолисини турмуш даражасига таъсир қилмай ўта олмас эди.

Ўзбекистонга озиқ-овқат инқирози таъсири кутилдими ва унга қандай чора-тадбирлар

кўрилди? таъкидлаш мумкинки, 2022 йил 31 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори кучга кирди. Демак, мамлакатимиз ҳукумати ҳам бунинг иқтисодиётга таъсири бўлиши мумкинлигини ўйлаган ҳолда чиқарилган бўлса керак.

Хулоса ва таклифлар. Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда аҳолини ҳамма қатламларини етарли маҳсулотлар ҳажми ва ҳамёнбop нархларда таъминлаш имконияти тушунилади. Бу маҳсулот куйи қатлам даромадининг асосий қисмини ташкил қилиши туфайли унинг нархи ўзгариши биринчи ўринда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг қатламига таъсир қилади. Талабнинг нархга нисбатан ноэластиклиги туфайли эса унинг нархлари ошиши талабни камайтириб, бозорда янги мувозанатни таъминлаши қийиндир. Шунинг учун давлатнинг ўз аҳолиси учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаши жуда зарур ҳисобланади.

Жаҳонда содир бўлаётган бир хил жараёнлар фақат битта мамлакатга таъсир қилмай, бутун дунёда ўз изини қолдиради. Масалан, глобал иссиқлик, Россия ва Украина ўртасидаги уруш ва бошқалар. Охирги кўрсатилган конфликт жаҳон бозоридаги нархларга таъсир қилганини ФАО томонидан ҳисобланган озиқ-овқат нархлари индекси динамикасида кўриш мумкин.

Глобал миқёсда таъсир қиладиган жараёнлар билан курашиш ёки уларнинг олдини олиш учун мамлакатларни ўзарo битим тузиб, келишиб фаолият юритгани самаралироқ бўлар эди. Агар қишлоқ хўжалигида етарли ҳажмда маҳсулотлар етиштирилмаса, бу мамлакатда оч

қолган аҳоли сонини кўпайишига сабаб бўлади. Шундай экан, қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратиш ва уни янада ривожлантириш керак. Бунинг учун ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида фермерлар хежлаштиришдан

фойдаланадилар. Юқорида таъкидланганларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда фермерларга хежлаштириш тўғрисида умумий тушунча бериб, уларни бу жараёнга кўниктириш мақсадга мувофиқ

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Абулқосимов Х. П., Абулқосимов М.Х. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омиллари. – Т.: Иқтисод ва молия, 2015. 2-сон. - 20 б.
2. Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.// Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. – Т., 2016. – 10б.
3. OECD (Organisation for Economic Cooperation and Development) расмий сайты маълумотлари: <https://goo.su/RbP06L>.
4. Ускова Т.В., Селименков Р.Ю., Анищенко А.Н., Чекавинский А.Н. Продоволь-ственная безопасность региона. – Волгода, 2014. – 3 с.
5. Найданова Э.Б. Методологические подходы к определению продовольственной безопасности как генеральной цели аграрной политики. // Современные проблемы науки и образования, 2015. – № 1 – 6 с.
6. Балабанов В.С., Борисенко Е.Н. Продовольственной безопасности: международные и внутренние аспекты. – М.: Экономика, 2002. – С. 22.
7. ФАО (Food and Agriculture Organization) расмий сайты маълумотлари <https://www.fao.org/worldfoodsituation/foodpricesindex/ru/>
8. Novoseltseva ON The role of innovations in the economic security of an enterprise. // Regional Bulletin. - 2018. - No. 5 (14). - S. 37-40.
9. Svyatova O.V., Novoseltseva O.N. Food security in the context of economic sanctions. // Regional Bulletin. - 2019. - No. 17 (32). - S. 45-47.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИНГ МОҲИАТИ

Бутабоев Махаммаджон –
и.ф.д., проф. Фарғона

политехника институти

Исманов Иброхим Набиевич –

и.ф.д., проф. Фарғона политехника институти

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a3

Аннотация. Ушбу мақолада ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг экологик муаммолари баён этилган бўлиб, ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун Ўзбекистоннинг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси қабул қилиниши моҳияти мақолада асосий масала сифатида ўрганилган. Мақолада «Яшил» иқтисодиёт тушунчасига таъриф берилган, унинг тамойиллари ва асосий йўналишлари баён этилган. Яшил иқтисодиётнинг самарадорлигини баҳолашнинг асосий босқичлари ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар келтирилган. Ўзбекистоннинг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш миллий стратегияси кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг «Яшил» иқтисодиётга ўтишининг аҳамияти тўғрисида хулоса чиқарилди.

Калит сўзлар: яшил иқтисодёт, экология, атроф-муҳит, экологик жараён, чиқиндиларни қайта ишлаш, инвестициялар, иқтисодий ўсиш муаммолари, самарадорлик.

СТРАТЕГИЯ ПЕРЕХОДА УЗБЕКИСТАНА К «ЗЕЛЕНОЙ» ЭКОНОМИКЕ И ЕЕ СУЩНОСТЬ

Бутабоев Махаммаджон –

д.э.н., проф. Ферганский политехнический институт

Исманов Ибрагим Набиевич –

д.э.н., проф., Ферганский политехнический институт

Аннотация. В данной статье описываются экологические проблемы Узбекистана на данный момент, и в качестве основного вопроса в статье была изучена суть принятия стратегии перехода к «зеленой» экономике Узбекистана для решения этих проблем. В статье описана концепция «зеленой» экономики, изложены ее принципы и основные направления. Представлены основные этапы оценки эффективности зеленой экономики и показатели, которые ее характеризуют. Была рассмотрена национальная стратегия перехода Узбекистана к «зеленой» экономике. Был сделан вывод о важности перехода Узбекистана к «зеленой» экономике.

Ключевые слова: зеленая экономика, экология, окружающая среда, экологическая ситуация, переработка отходов, инвестиции, проблемы экономического роста, эффективность.